*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 23 июнь, пайшанба
25 (397)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



Президент Концепциясида соҳага оид 4 та янги қонун қабул қилиш ва амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди

03 КОНЦЕПЦИЯ



Айни пайтда Самарқандда фаолият юритаётган 1402 нафар тадбиркор хотин-қизларнинг 603 нафари, фермерлик соҳасидаги аёлларнинг эса 63 нафари O`zLiDeP аъзосидир

07 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Жорий йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» барча молиявий манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 122,9 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди

08 ИҚТИСОДИЁТ



# *Долзарб вазифалар таҳлили*

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида партия олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда ўтказилган тўрт кунлик семинар-тренингда иштирок этган партиянинг ҳудудий кенгаш раис ўринбосарлари, депутатлик гуруҳи раҳбарлари ҳамда сиёсий таълим марказлари ходимлари, шунингдек, партия нашрининг вилоятлардаги мухбирларининг асосий эътибори мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнида партиянинг бўғинлардаги фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш, сайланувчи ва ижроия ҳокимиятида самарали иш олиб боришга қодир бўлган малакали кадрлар захирасини яратиш масалаларига қаратилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевнинг таъкидлашича, Концепцияда илгари сурилган ғоялар парламент депутатлари билан бирга барча бўғиндаги партия фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлардан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бундай ўқув-семинарлар жойларда ўтказилиб, уларда энг долзарб вазифалар белгилаб олинганига қарамай, Тошкентда аввалги тадбирлар давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни яна бир бор умумлаштириш имконияти яратилди.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, O`zLiDePнинг сиёсий модернизация жараёнларидаги иштироки бевосита унинг қуйи ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишининг самарадорлигида намоён бўлиши керак.

4 ►►

## Фестиваль чироқлари порлади

Бухоро шаҳрида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида Ёшлар фестивали ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги** қарори ижроси юзасидан белгиланган дастурига мувофиқ кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда ўтказилган нуфузли тадбир давомида «Оммавий таҳдид ва ёшлар маънавияти», «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» лойиҳалари амалга оширилиб, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган «оммавий маданият» хуружларининг олдини олишга оид маърузалар ўқилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ташкил этилган очиқ мулоқотлар, тадбиркорлар билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди. Таниқли шоир ва ёзувчилардан иборат гуруҳ эса вилоятнинг Қоровулбозор, Когон, Олот, Ромитан туманлари, Газли ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, адабиёт ихлосмандлари билан учрашдилар.



## Хонободда ёшлар байрами

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида замонавий усулда қурилган «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди. Ўқувчи ва талабаларнинг ўз вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида барпо этилган 580 ўринли томоша зали, 10 дан ортиқ тўгарак хоналари мавжуд марказнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланди. Жажжи спортчи ўғил-қизларнинг кўргазмали чиқишлари, хонободлик ёш рассом ва ҳунармандлар томонидан намойиш этилган ижодий ишлар, бўлғуси санъаткорлар ижросидаги концерт барчада катта таассурот қолдирди. Шу куни шаҳар кўчаларида «Ёшлар маркази»нинг бўлажак фойдаланувчилари иштирокида «Камолот» марафони ҳам бўлиб ўтди.

ХУШХАБАР

## Ўзбекистон-АҚШ 2:1

**Кеча Мексикада бўлиб ўтаётган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида футболчиларимиз Америка Қўшма Штатлари терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни Бобур Давлатов ва Аббос Мақситалиев киритди.**



**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

## Концепция ва миллий матбуот

**Биз ким эдигу ким бўлдик, танлаган тараққиёт йўлимиз қандай натижалар берди-ю, навбатдаги қадамлар бизни қандай манзилларга олиб боради? Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» юртдошларимизга ана шундай ҳаётий саволларга мукаммал жавоб олиш имконини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз**

Ҳақиқатан ҳам Концепция ўзликни англаш, эртанги кунга бўлган муносабатни истиқлол йилларида эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш лозимлигини кўрсатаяпти. Жамиятнинг барча аъзолари учун маънавий қўлланмага айланган ва бир неча ўнйилликларга мўлжалланган ушбу дастуриламал ҳужжат, айниқса, матбуот зиммасига алоҳида вазифалар юклаётганини, энг асосийси, бугунги ўзгаришлар даврида миллий матбуотнинг ўрни ва роли қандай бўлади, деган ҳақли саволларни ўртага қўяётганини англашимиз керак.

Миллий матбуотимиз ва соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият хусусида сўз борганида беихтиёр Юртбошимизнинг «Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда» деган сўзлари ёдга тушади.

3 ►►

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

# Изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июнь куни Қашқадарё вилоятига келди.**

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этаётир. Янги корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва равон йўллар,боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Қашқадарёда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 105,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган, барқарор хўжаликларни шакллантириш натижасида самарадорлик изчил ўсмоқда, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш имконияти янада кенгаймоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 7139 фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 102 гектардан ер майдони тўғри келади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерларни ҳар томонлама қўллаб- қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароит натижасида рентабеллик ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди.

Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бўлиб, олимлар ва ёш илмий тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, сув тақчиллиги ва шўрга чидамли ғалла навларини яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш каби вазифаларни бажаради.

2 ►►

# Парламентда бюджет ижроси муҳокама қилинди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган навбатдаги парламент эшитувида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2010 ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот қизғин мунозаралар билан ўтди**

Жаҳон жамоатчилиги Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганишда давом этмоқда.

2 ►►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 21 ИЮНДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↑ | 1808,75 | 1 АҚШ доллари | ↑ | 1711,05 | 1 Хитой юани | ↑ | 264,30 | 1 Туркия лираси | ↓ | 1071,95 | 1 Япония иенаси | ↓ | 213,35 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↓ | 2763,35 | 1 Миср фунти | ↑ | 287,86 | 1 Малайзия ринггити | ↑ | 563,49 | 1 Швейцария франки | ↓ | 2012,53 | 1 Россия рубли | ↓ | 60,72 |
| 1 Дания кронаси | ↓ | 327,24 | 1 Исландия кронаси | ↓ | 14,76 | 1 Польша злотийси | ↓ | 613,35 | 1 ЕВРО | ↓ | 2445,43 | 1 Украина гривнаси | ↑ | 214,59 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ | 465,91 | 1 Канада доллари | ↓ | 1742,77 | 1 СДР | ↓ | 2728,70 | 1 Жанубий Корея вони | ↑ | 15,78 | | | |

# Парламентда бюджет ижроси муҳокама қилинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Айниқса, унинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» деб номланган биринчи йўналишида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида Конституциямизнинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани дунёдаги таниқли сиёсатчи ва экспертларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистонда Президент ваколатларининг бир қисми давлат ҳокимиятининг бошқа субъектларига ўтказилаётгани туб ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Бу жиҳат ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Парламентнинг конституциявий ваколатларига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокамасини кузатар эканмиз, қуйи палата депутатларининг бу муҳим молиявий ҳужжат ижросига муносабати тубдан ўзгаргани, сарфланаётган маблағларга унинг самараси ва иқтисодий фойдасига қараб ёндаша бошлангани парламентнинг амалдаги қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатаётганини кўрсатади.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – молия вазири Рустам Азимовнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, давлат бюджети Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилган. Бунда асосий эътибор Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қаратилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана товар айланмаси, пуллик тўловлар ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсди.

Шу ўринда молия тизимининг ликвидлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали ва депозитлари кўпайганини алоҳида таъкидлаш лозим. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори ҳам ошиб, қурилиш ишлаб чиқариши, илғор технологиялар ва асбоб-ускуналар олиш учун катта ҳажмда инвестиция киритилди. Энг муҳими, 2010 йилда 950 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган бўлса, шундан 604 мингдан ортиғи ёки 65 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, ўз навбатида, жорий йилнинг биринчи чорагида давлат бюджетининг муваффақиятини таъминлади. Бошқача айтганда, барқарор ўсиш ҳисобига давлат бюджети 2011 йилнинг биринчи чорагида ҳам профицит билан ижро этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар 2010 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари 2009-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперациявий алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирларни назарда тутувчи дастур изчил амалга оширилганлиги туфайли эришилганлигини таъкидладилар. O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, парламент назоратининг энг таъсирчан воситаларидан бири бу — бюджетни шакллантириш ва унинг ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатиш ҳисобланади.

Маъруза юзасидан савол-жавобларда иштирок этган O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов давлат бюджетининг аграр сектордаги ижроси билан боғлиқ айрим жиҳатлар, аниқроғи, сифат кўрсаткичлари билан қизиқди. Унинг фикрича, 2010 йилда қишлоқ ва сув хўжалигига 1033,5 млрд. сўм йўналтирилгани соҳага катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Ҳисоботда ушбу маблағларни ўзлаштириш борасида амалга оширилган ишлар, хусусан, тозаланган дренаж-зовурлар узунлиги, ирригация қудуқлари сони, пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасига оид маълумотлар келтирилади. Тўғри, бу маълумотлар жуда муҳим. Лекин бугун сайловчиларни, демакки, депутатларни ажратилган маблағларнинг қанчалик самара бераётгани кўпроқ қизиқтирмоқда. Яъни, шунча маблағ сарфлаб амалга оширилган ишлар натижасида қанча майдонда ер таркиби ўзгарди, майдонларнинг аввалги бонитет балли қанча эди-ю, ҳозир қанақа, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи неча фоизга пасайди, ва, энг асосийси, фермерлар бундан қандай манфаат кўрмоқда. Шунингдек, бу борада вилоятлар кесимида қандай таҳлиллар ўтказилгани ва уларнинг иқтисодий самараси хусусида аниқ далилларга асосланган маълумотлар келтирилса, бюджет ижроси тўғрисида депутатлар баҳоси ҳам объектив бўлишига хизмат қиларди.

Саволларга жавоб қайтарар экан, маърузачи кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланиб, ҳосилдорлик ошиб бораётгани, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 96 фоизи Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани, Россияда бу рақам 50 фоиздан ошмаслиги, Қозоғистонда эса 60 фоиз атрофида эканини таъкидлади. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган. Қолаверса, фермерларнинг тўғридан-тўғри алоқалари эвазига қўшимча экспорт қилинган сабзавот ва меванинг умумий қиймати тахминан 2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Булар, шубҳасиз, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастурнинг ижобий самараларидир.

Депутатлар, шунингдек, пластик карточкаларга туширилган ойлик иш ҳақларига маҳсулот сотиб олишда юзага келаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан ҳам қизиқдилар. Ғазначилик тизимидаги нуқсонлар, чунончи, бюджет ташкилотлари билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги барча шартномалар бевосита ғазначилик бўлимларининг розилигига кўра расмийлаштирилишига қарамай, маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши билан боғлиқ жавобгарлик фақат ташкилот раҳбарлари зиммасига тушиб қолаётгани ва бунинг сабаблари атрофлича муҳокама қилинди.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Полат Реймов айрим давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришга тўғри келаётганини эслатиб, Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беришни сўради.

— Аввало, шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур дастур доирасида берилган имтиёзлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзини тўла оқлади, — дея таъкидлади маърузачи. — Бу преференциялардан қандай фойдаланилаётгани эса Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан назоратга олинган. Берилган имтиёзлардан асоссиз равишда фойдаланган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қатъий жарима тизими жорий этилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Шу ўринда бўлиб ўтган муҳокамалар сиёсий партиялар фракцияларининг тобора ўз электорати манфаатларини ифодаловчи масалаларни ўртага қўяётганини кўрсатди. Хусусан, ХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова ногиронларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш учун хўжалик юритувчи субъектлар штат бирлигида 3 фоизлик иш жойини захирада сақлаш бўйича берилган имтиёзлар етарлими, деган масалани ўртага ташлади.

Маълум бўлишича, мамлакатимизда 700 минг нафар атрофида ногирон рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг тенг ярми меҳнат қилиш имкониятига эгадирлар. Агар бугун корхоналарнинг мавжуд имкониятлари кенгайиб бораётгани, тадбиркорлик субъектларининг ўзи 500 мингдан ошганини инобатга олсак, 3 фоизли имтиёзни кўпайтиришга қандай эҳтиёж бор, деган савол туғилиши табиий. Агар ХДП фракцияси аъзоси таъкидлаганидек, мавжуд имтиёзлар янада кенгайтирилса, биринчи навбатда, айнан ХДП электоратининг ўзи зарар кўриши табиий. Чунки турли ташкилот ва муассасалар берилган имкониятдан фойдаланиб, солиқ миқдорини камайтириш мақсадида ногиронларни ёппасига ишга қабул қила бошлайдилар. Натижада бюджет тушумлари ўз-ўзидан камаяди ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ажратилаётган маблағлар миқдорининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Шундан сўнг, партия фракциялари вакиллари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар. Жумладан, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов давлат бюджетининг даромадлар қисми юз ва ундан ортиқ фоизлар билан бажарилгани, харажатлар қисмида ўтган йилга нисбатан ижобий ўзгариш кузатилсада, айрим моддалар параметрлари етарли даражада ижро этилмагани — бу доимий мониторинг олиб бориш, зарур ҳолларда эса ярим йиллик якунлари бўйича маблағларни тақсимлашни қайта кўриб чиқиш лозимлигини англатишини таъкидлади. Айни пайтда бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни назорат қилиш, бюджет интизомини кучайтиришнинг аниқ механизмини яратиш, айниқса, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган маблағлар самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича фракция фикрини билдирди.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, давлат бюджетидан иқтисодиёт тараққиёти ҳамда марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш учун ажратилаётган маблағларнинг саноатда ва юқори технологияларни талаб этадиган бошқа тармоқларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қисмини алоҳида назоратга олиш, давлат бюджетининг ғазна ижросини янада такомиллаштириш, хусусан, ғазначиликнинг дастурий ҳамда назорат тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чораги тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Парламент эшитувида озиқ-овқат маҳсулотларининг 96 фоизи Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани, Россияда бу рақам 50 фоиздан ошмаслиги, Қозоғистонда эса 60 фоиз атрофида экани алоҳида таъкидланди. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга чиқарилган. Қолаверса, фермерларнинг тўғридан-тўғри алоқалари эвазига қўшимча экспорт қилинган сабзавот ва меванинг умумий қиймати тахминан 2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.**

# Изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
ЎзА махсус мухбирлари

— Қашқадарё — катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга вилоят, — деди Президентимиз. — Ушбу институтни айнан Қашқадарёда ташкил этишдан кўзланган мақсад — ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш олимларнинг изланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Юздан зиёд олим ва илмий ходим меҳнат қилаётган мазкур институтда бугунги кунда буғдойнинг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлари ўрганилмоқда. Қарши, Касби, Шаҳрисабз ва Қамаши туманларида тажриба майдонлари мавжуд. Институт олимлари томонидан яратилган "Туркистон", «Жайхун» ва «Яксарт» каби буғдой навлари тўлиқ районлаштирилди.

— Буғдой ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратишимиз лозим, — деди Юртбошимиз. — Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Истиқлолнинг илк йилларида бор-йўғи 800 минг тонна ғалла етиштириб, четдан 5 миллион тонна буғдой олиб келган Ўзбекистон аллақачон ғалла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд ғалла экспорт қилдик.

Давлатимиз раҳбари институт олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, ёшлар салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш, илмий изланишлар учун уларга барча шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Футбол бўйича мамлакатимиз олий лигасида Қашқадарёнинг уч жамоаси — Қаршининг «Насаф», Ғузорнинг «Шўртан», Муборакнинг «Машъал» жамоалари тўп сураётгани ҳам ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари "Насаф" футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида яхши натижаларни қўлга киритаётган "Насаф" футбол жамоасини эришаётган ютуқлари билан табриклади.

— Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омилдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборни "Насаф" клуби базасида яратилган шарт-шароит мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Мен Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, — деди "Насаф" футбол жамоаси бош мураббийи, украиналик таниқли мутахассис Анатолий Демяненко. — Бу Сизнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътиборингиз самарасидир.

Президентимиз "Насаф" футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди.

# Жамият кўзгуси тараққиёт босқичида

**Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан ахборот эркинлигини таъминлашга боғлиқдир**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида «Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва ривожланиш динамикаси» мавзуида ўтказилган матбуот конференциясида ана шундай фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Рўзимат Сафаев Юртбошимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз, келгуси тараққиётимизга дахлдор маърузалари, фармон ва қарорларини аҳоли турли қатламларига ўз вақтида етказиш, уларни жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлади. Телевидение ва радио, босма ахборот воситалари жамият тараққиётининг кўзгуси, кишилар онги ва дунёқарашини шакллантирувчи асосий воситадир. Шу боис мамлакатимиз мустақилликка эришгач, соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, нисбатан қисқа бир даврда миллий матбуотимиз бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий имкониятларга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда 1991 йилда 395 та ОАВ фаолият юритган бўлса, бугун улар сони қарийб 1250 тани ташкил этмоқда. 1991 йилгача давлатга қарашли 1 та телевидение ва радиодан бошқа бундай оммавий ахборот воситаларининг ўзи йўқ эди. Айни пайтда давлат телерадиокомпаниясининг бир неча теле ва радио каналлари билан бир қаторда кўплаб хусусий радио ва телевидениелар ахборот тизимида эмин-эркин фаолият юритаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантиришга оид кўплаб лойиҳалар тайёрланаётгани эса миллий матбуотимизнинг янада гуллаб яшнашидан далолатдир.

# Халқаро эътироф

**Мустақилликка эришгунча мамлакатимизнинг атиги иккита корхонасида саноқли дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугун юртимиздаги 120 та корхонада 1200 номдаги дори ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда**

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий хизмат тизимини ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришилди.

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ОАВ вакиллари учун ташкил этилган анжуманда истиқлол йилларидаги ана шундай натижалар хусусида сўз борди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, биринчи навбатда тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўғини, яъни ҚВПларни такомиллаштиришга эътибор қаратилди. 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари телефон, мобиль ва радио алоқа билан таъминланиб, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида мазкур масканларга 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ўрнатилди. 680 га яқин жойда дорихоналар ташкил этилди.

Анжуманда, шунингдек, кейинги йилларда юртимизда кўплаб ихтисослаштирилган марказларнинг ташкил этилаётгани, уларда барча шарт-шароитлар яратилаётгани, хусусан, Шошилинч тиббий ёрдам маркази, унинг 12 та филиали ҳамда 173 та бўлими учун 110 та «Hyundai», 400 дан ортиқ «Damas» ва 50 та УАЗ русумли транспорт воситалари берилгани тилга олинди.

Савол-жавоблар давомида сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан 30 дан ортиқ муқобили йўқ дори воситалари ихтиро қилиниб, амалиётга жорий этилгани, бугун мамлакатимизда қорин тифи, куйдирги, шол каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилгани боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти юртимизни барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турган мамлакат сифатида эътироф этгани ҳақида маълумотлар берилди.

# Давлат ва жамият ўртасидаги «олтин кўприк»

**Демократик жамиятни матбуот ва ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлолнинг дастлабки давридаёноқ, ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги тизимли ишлар амалга оширилмоқда**

**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

Шу ўринда парламентимиз томонидан ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу, энг аввало, Конституциямизда белгиланган «ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ҳамда ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлиги тўғрисидаги меъёр билан мустаҳкамлаб қўйилди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунларда эса бу кафолатлар янада кенгроқ очиб берилди.

Яратиб берилаётган ана шундай шарт-шароитлар туфайли эса оммавий ахборот воситалари изчил ривожланиб, улар сони қарийб 1250 тага етди. 2001 йилдан шу кунгача босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситалари сони эса 7 баробарга кўпайди. Мавжуд нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу соҳада бозор муносабатлари жадал жорий этилаётганини англатаяпти.

Шу ўринда истиқлол йилларида ахборот-коммуникация технологиялари тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ҳам ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида танлаб олинганини таъкидлаш жоиз. Чунки бу йўналиш Ўзбекистонни нафақат ахборотлашган жамиятга, балки мамлакат иқтисодиётини дунё миқёсида интеграциялашувида ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан билдирилган «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожи бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди» деган фикрлари ёдга тушади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторидан жой олди. Мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилдагига нисбатан 200 баробарга ошиб, айни пайтда 19 миллионни ташкил этаётгани ҳам соҳани ривожлантиришга бирламчи эътибор қаратилгани натижасидир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича махсус дастур қабул қилинганини таъкидлаш жоиз.

Ислоҳотларнинг бугунги босқичи эса оммавий ахборот воситалари мавқеини янада мустаҳкамлаш, бозор шароитида уларнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, шунингдек, ОАВ билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этаётир. Бу борада, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да 4 та янги қонун қабул қилиш ва амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилдики, бу соҳа мутасаддилари билан бирга қўмитамиз зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклади. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса Концепцияда белгилаб берилган энг муҳим қонунлардан бири бўлди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш баробарида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини янада ошириш имкониятини ҳам яратади.

Тўртинчи ҳокимият вакиллари фаолиятини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишни назарда тутувчи ушбу қонун аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис палаталари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар юзасидан кенг хабардор бўлиб боришларини назарда тутмоқда. Шунингдек, лойиҳада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигининг асосий принциплари сифатида ахборотнинг ошкоралиги, тезкорлиги ва ҳаққонийлигини белгилаш таклиф этилмоқда. Мазкур тамойиллардан келиб чиқиб, қонунда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни атрофлича хабардор қилиб бориш, ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) тартиблари ва манбаларини аниқ кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади, албатта.



Маълумки, ўзаро рақобат тобора кучайиб бораётган XXI асрнинг ахборот маконида муайян мавқега эга бўлиш осон эмас, албатта. Бунинг учун ҳар қандай ОАВ бировга қарам бўлмай, мустақил иш юритиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шундай экан, ахборот бозори иштирокчиларини иқтисодий-ҳуқуқий ҳимоялаш тамойиллари ҳам мутаносиб тарзда такомиллаштирилиши керак.

Шунинг учун ҳам, Президентимиз Концепциясида ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар манфаатини ҳимоя қилиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклифлари илгари сурилди. Шу кунларда ана шу қонун лойиҳалари устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

Уларда асосан ОАВнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ўз аксини топмоқда. Бунда соҳа вакилларига иқтисодий-молиявий, солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, жамоатчиликни ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, ОАВнинг иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратиш кўзда тутилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, зиммамизга Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш вазифаси юклатилаяпти. Юртбошимиз томонидан 27 июннинг Матбуот ва ОАВ ходимлари куни деб эълон қилиниши эса яна бир карра соҳа вакиллари зиммасига жуда катта вазифалар юклатилгани ва, албатта, уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги роли беқиёслигидан далолат беради. Фурсатдан фойдаланиб, фракциямиз аъзолари ва қўмитамиз номидан миллий матбуотимиз ривожи йўлида меҳнат қилаётган журналистлар ва барча турдаги ОАВ ходимларини касб байрамлари билан табриклайман.

# Тўғри сўз масъулияти

**Ҳар қандай киши дунёни ўз кўзи билан кўради ва уни тафаккури билан идрок этади. Шу боис XXI аср журналистидан ҳамиша одамлар орасида бўлиш, воқеа-ҳодисаларни зукколик билан кузатиб, улардан холис хулосалар чиқариш асносида ахборот тайёрлашдек масъулият талаб этилмоқда**



**Наврўз РИЗАЕВ,**
«Ўзбекистон» телеканали шарҳловчиси

Биз учун ўтган асрнинг энг буюк ҳодисаси — сўзсиз, Мустақилликка эришганимиз бўлди. Жамиятимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришлар туфайли ҳам ўзбек матбуоти тўғри сўз, ҳур фикр ва озод инсон тақдири билан боғлиқ жараёнларга ҳозиржавоб минбарга айланди.

Бугун шуни ифтихор билан айтиш мумкинки, Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йиллари оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Миллий матбуотимизнинг иқтисодий мустақиллиги таъминланиб, соҳа ходимлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биз, журналистлар зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклайди. Шундай экан, бугунги кун журналисти зийрак ва сергак бўлиш баробарида халқ ташвишига ҳамнафас бўлиши, омма фикрини радио ва телеэфирга, газета ва журналлар саҳифаларига олиб чиқишда адолат мезонларига қатъий риоя этиши шарт. Зеро, оммавий ахборот воситалари жамиятда онг ва тафаккурни шакллантирувчи асосий кучдир. Ундан халқ ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш миллий матбуотимиз, хусусан, энг замонавий технологияларда, янгича руҳда ижод қилаётган тележурналистларимиз олдидаги бирламчи вазифадир.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмагани учун ҳам қалам аҳли ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиши керак. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнларида ҳар қандай давлат қудратини унинг нечоғлик ахборотга эга экани белгиламоқда десак, муболаға бўлмайди.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида ҳам сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш, бунинг учун миллий матбуотимиз имкониятларини бугунги кун талаблари даражасига етказиш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш лозимлигига бежиз эътибор қаратилмади, деб ўйлайман. Зеро, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларининг янада тўлиқ рўёбга чиқишида оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. Ана шундай эътиборга жавобан биз, журналистлар Ватан равнақи, юртимиз келажаги учун хизмат қилишимиз энг шарафли бурчимиздир.

Имкониятдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни, устоз ва мураббийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин дилдан қутлайман. Юртимиз равнақи йўлида хизмат қилишда уларга ижодий парвозлар тилаб қоламан.

Муҳаррир минбари

# Концепция ва миллий матбуот

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда қонун ва фақат қонун устуворлигига қатъий амал қилинди. Янги жамиятни барпо этиш ва ривожлантириш учун, энг аввало, ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш, мулк масаласини ҳал этиш, бозор муносабатларига ўтиш бирламчи вазифа қилиб қўйилди. Натижада ўтган қарийб 20 йил мобайнида одамлар онги ва тафаккуридан аввалги қарашлар, энг асосийси, ишончсизлик, бепарволик ва лоқайдлик иллатлари чекинди. Бундай ўзгаришларда оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта бўлди, албатта.

Зеро, бугун ҳам ахборот асри дея таърифланаётган XXI аср кишисининг содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, юртдошларимизнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлигини таъминлаш миллий матбуот зиммасидаги бирламчи вазифалардан бирдир.

Айни пайтда ахборот турли миллат ва элатлар, узоқ ва яқин давлатлар ўртасидаги масофани яқинлаштириш баробарида инсониятни ягона ахборот маконига ҳам «тобе» қила бошлади. Буни баъзан глобаллашув, баъзан эса тараққиёт натижаси, дея баҳолаяпмиз. Танганинг икки томони бўлганидек, мазкур жараёнларнинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатлари ҳам борлигидан кўз юммаслигимиз лозим.

Тўғри, айрим ҳамкасбларимиз ҳалигача тўртинчи ҳокимиятнинг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятига муносабат билдириб, оммавий ахборот воситаларидан фақат ахборот ва янгиликлар тарқатиш талаб этилиши керак, деган бир томонлама хулоса чиқаришда давом этмоқдалар. Бундай саёз қараш юқорида таъкидланганидек, глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларини етарлича баҳолай олмасликдан бошқа нарса эмас. Тўғрироғи, бу матбуот муайян ғоя ва қарашларни одамлар, жумладан, ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилувчи асосий қуролга айланганини сезмаслик, таъбир жоиз бўлса, тўрт девор ичида қўл қовуштириб ўтириш билан баробардир.

Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишларни таҳлил қилар эканмиз, матбуотнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги роли қанчалар муҳим эканлигига яна бир карра амин бўламиз. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнларини, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган вазифаларни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш мумкинми? Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, шубҳасиз ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки билан узвий боғлиқдир. Бу мавзу матбуотнинг нони, десак, муболаға бўлмайди. Концепциянинг фуқаролик жамиятлари институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид йўналиши эса жамиятни эркинлаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш масаласи билан боғлиқ бўлиб, матбуот бу жараёнда асосий устунга айланиши лозим.

Демак, вақтли матбуот мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичида ислоҳотлар моҳиятини, улардан кўзда тутилган мақсадни холис очиб берувчи асосий механизмга айланиши лозим. Бунда, айниқса, ижтимоий-сиёсий соҳаларга ихтисослашган телерадиоканаллар ва босма нашрлар вакилларининг уйғоқлиги, холис ва ҳозиржавоблиги ҳамда воқеа-ҳодисаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашуви ниҳоятда муҳимдир. Айни пайтда Ўзбекистонда қарийб 1250 та ОАВ фаолият юритаётганини инобатга олсак, соҳа вакиллари қўлида ғоят катта куч жамланганига ишонч ҳосил қиламиз. Шу хусусида сўз бораркан, XXI аср матбуоти юртдошларимизни мустақил фикрлашга, ҳар жиҳатдан етук, сиёсий ҳушёр шахсларни тарбиялаш йўлида хизмат қилувчи муҳим ижтимоий воситага айланиши лозимлигини англаш қийин эмас, албатта.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг қарийб 20 йиллик янги тарихида эришилган улкан ютуқлар, қўлга киритилган натижалар, аҳолининг хоҳиш-иродаси, талаб ва эҳтиёжи маҳсули сифатида дунёга келган Концепция тафаккуримизни, ислоҳотларга бўлган муносабатимизни ҳам ўзгартиришни тақозо этибгина қолмай, жамият тараққиёти йўлида ҳар бир фуқаро масъул эканлигини ҳам англатмоқда. Тўғри, сиёсатшунос олимлар таъкидлаётганларидек, тафаккур ўзгаришлари ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Матбуот ана шу жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозаралар ва тафаккур янгиланишларини акс эттирувчи минбардир. Зеро, ислоҳотларнинг асосий тарғиботчиси бўлган парламент ҳаёти, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат, сиёсий кучларнинг ғоя ва мақсадлари ўртасидаги тафовут, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолияти, бир сўз билан айтганда, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар моҳиятини содда ва холис тилда баён қилиш орқалигина биз юртдошларимизнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишларини таъминлашга ҳисса қўшган бўламиз. Ана шундагина миллий матбуотимиз кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси ва, албатта, жамиятнинг ишончли таянчига айланади.

# Салоҳиятли кадрлар — тараққиёт таянчи

**Одатда, ҳар қандай давлатнинг кадрлар сиёсати замирида аниқ мақсад ва вазифалар кўламидан келиб чиқадиган муайян талаб ҳамда таклиф, яъни инсон ресурсларини бошқариш масаласи ётади. Бошқача айтганда, бу давлат ва жамиятнинг муҳим стратегик вазифаларидан биридир**

**Ботир МАРДАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Кадрлар захираси сиёсати амалда ўзаро яхлитликдаги бир қатор умумий ва махсус таркибий қисмларни ўз ичига олади. Умумий таркибий қисм мамлакатда фуқаролар эркинлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган конституцион қонунлардан келиб чиқади ва бу иш кадрлар потенциалини шакллантириш ҳамда назорат қилишга йўналтирилган ваколатли ташкилотлар орқали амалиётга татбиқ этилади.

Кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш, кадрларни «ёшартириш» ҳамда рағбатлантириш йўлларини аниқлаш мамлакатимиз кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидир. Бу борадаги ишларни йўлга қўйишда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги «Раҳбар кадрларни тест орқали аттестациядан ўтказиш тўғрисида», 2000 йил 3 августдаги «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Концепциясида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ҳамда уни амалга оширишнинг аниқ стратегиясига эга бўлган мамлакатгина пировард натижада муваффақиятга эришади. Бу амалий тажрибадан яхши маълум.

Концепцияга келсак, у жамиятимиз тараққиёти учун муҳим дастуриламалдир. Унда илгари сурилган таклифлар асосида Конституциямизнинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани кадрлар сиёсатини модернизация қилишнинг янги даврини бошлаб берди. Эндиликда Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши қатъий белгилаб қўйилдики, бу мамлакатимизда чуқурлашиб бораётган демократик сайлов тизимининг амалдаги яна бир кўринишидир.

Зеро, сиёсий партияларга берилган юқоридагидек ваколатлар ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш, ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат бошқарувида фаол қатнашиш имкониятини беради. Келгусида мамлакатимиз сиёсий партиялари учун ўз аъзолари орасидан муносиб кадрларни танлаш, тарбиялаш ва номзод кўрсатиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.

# Аграр сектор истиқболлари

**Маълумки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторида юқори сифат ўзгаришларига эришилмоқда**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодиёт тармоқларини жадал янгилаш шароитларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш билан боғлиқ миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари"га бағишланган илмий конференцияда асосий эътибор қишлоқ мулкдорлари учун ҳар жиҳатдан қулай ва мақбул шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш истиқболларига қаратилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ЕҲХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар Координатори билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда таъкидланганидек, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошгани таҳсинга лойиқдир.

— Мустақиллик йилларида қабул қилинган 20 га яқин қонунлар, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Селекция ютуқлари тўғрисида", "Уруғчилик тўғрисида", "Ветеринария тўғрисида", "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонунлари ва қонуности хужжатлари аграр соҳани изчил ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, — деди қўмита раҳбари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев.

Тадбирда иштирок этган олимлар, соҳанинг етук мутахассислари ҳамда амалиётчилар бутун дунёда экологик мувозанат ўзгариб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланган ҳозирги шароитда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги кун талабларига мослаштириш зарурати туғилаётганини қайд этдилар.

Анжуман доирасида хорижий давлатларнинг аграр соҳа билан боғлиқ қонунчилик тажрибаси, юртимизда қишлоқ хўжалигига оид амалдаги қонунчиликнинг қўлланилиши ва уни янада такомиллаштириш масалалари юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

— Бугунги конференцияга Олий Мажлис Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва қўмиталар раҳбарларидан ташқари Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертлари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, амалиётчи мутахассислар ҳамда хорижий ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таклиф этилгани бежиз эмас, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. – Анжуман давомида улар томонидан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор амалий таклифлар илгари сурилиб, муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди.



Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертларининг таъкидлашича, хорижий давлатларнинг аграр соҳада эришган ютуқларини ўрганиш, замонавий агротехнологиялар яратиш, чорвачилик ва картошкачиликни ривожлантириш билан боғлиқ илғор тажрибаларни илмий тадқиқ қилиш ва Ўзбекистон шароитига мос жиҳатларини амалда жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, табиий ва моддий ресурслар — сув, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежашга хизмат қиладиган замонавий техника ва ускуналарни қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш борасидаги ишлар янада такомиллаштирилиши лозим.

Ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш жараёнида анжуман қатнашчилари замонавий суғориш тизимларидан фойдаланиш борасида амалий натижаларга эришиш, селекция ишларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни изчил йўлга қўйиш орқали қишлоққа саноатни олиб кириш, жойларда янги иш ўринлари яратиш, аграр соҳага оид илм-фан ютуқларини ҳаётга жорий этиш юзасидан аниқ мақсадли тадбирларни амалга ошириш, бу борадаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини қайд этдилар.

Конференция якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида амалий таклиф ва илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

# Назорат-таҳлилда назорат кучайтирилиши талаб этилди

**Бундан Урганч, Термиз ва Фарғона шаҳри ҳокимликлари жиддий хулосалар чиқариши лозим**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонуннинг Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги ижроси юзасидан олиб борилган назорат-таҳлил натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда депутатлар соҳада бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш жараёнлари изчил давом этаётгани, йўловчи ташувчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳамда йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишда салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини эътироф этдилар.

Хусусан, қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар очиқ тендерлар орқали танлаб олингани натижасида Урганч ва Термиз шаҳарларида автобус, йўналишли ва йўналишсиз таксилар, Фарғона шаҳрида эса фақат автобус йўналишлари ва йўналишсиз таксилар фаолияти йўлга қўйилгани таъкидланди.

Ана шу ҳудудларда қонун талаблари асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган хизмат ҳажми ва турларини кенгайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ягона чипта тизими жорий этилиб, йўл чипталари, варақалари, шунингдек, айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзлар берувчи ҳужжатлар тайёрланган.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси, қўмита раиси Илҳом Насриевнинг таъкидлашича, айни пайтда соҳа фаолияти амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида»ги қарорлари транспорт хизмати маданияти ва сифатини ошириш ҳамда соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ эса аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, ягона транспорт сиёсатини жорий этиш мақсадида қабул қилинган махсус дастур асосида 30 дан ортиқ шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус органлар ташкил этилган. Қўмита томонидан олиб борилган назорат-таҳлил жараёнида ана шундай ташкилотларнинг фаолияти ҳам таҳлил қилиниб, йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, қонун ижросини таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Урганч, Термиз ва Фарғона шаҳарларида қонуннинг 5-моддасига зид равишда айрим йўналишсиз таксилар оғзаки, яъни келишилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатаётгани, автомобиллар таксометрлар (ҳисоблагич) билан жиҳозланмагани, шаҳар йўловчи ташиш транспорти бошқармалари ва ташувчилар ўртасида шартномалар тузилмагани, аксарият ҳолларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани маълум бўлди.

Қонуннинг «Шаҳар йўловчи транспортининг ҳаракат жадвали тўғрисида»ги 20-моддаси талабларига ҳам кўпинча риоя қилинмаяпти. Бекатларда, охирги ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўналишлар номи, тартиб рақами ва ҳаракатнинг оралиқ вақти тўғрисидаги маълумот лавҳалари жойлаштирилмаган.

Йиғилиш иштирокчилари ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мутасадди идоралар шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари доирасида қонун устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидладилар.

Йиғилишда Урганч, Термиз ва Фарғона шаҳарлари ҳокимларининг фикр-мулоҳазалари ҳам эшитилиб, кўриб чиқилган масала юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

# *Долзарб вазифалар таҳлили*

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Шу билан бирга партиянинг ахборот сиёсати йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш, ўз фаолияти ва мафкурасига оид маълумотларни электорат ҳамда кенг аҳолига етказишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, энг аввало, барча минтақавий тузилмалар, жумладан, шаҳар ва туман партия кенгашлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, доимий тарғиботчилар тармоғини шакллантириш, улар фаолиятини мафкуравий жиҳатдан янада бойитиш зарур.

Тадбир қатнашчилари O`zLiDeP аввалбошданоқ ўз электорати таркиби ва асосий мафкурасини аниқ-тиниқ белгилаб олган ҳолда фаолият юритаётганини, бугун ана шу ғоя ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги услубларидан, замонавий сиёсий технологиялардан кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.



**Ботир ҚУРБОНОВ,**
O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари:

— Муҳокама этилган масалалар, иштирокчиларнинг уларга нисбатан танқидий мулоҳазалари машғулотларнинг жонли ва қизғин ўтишини таъминлади. Партия раҳбарияти ва жойлардаги ҳудудий ташкилотлар масъулларининг ана шундай юзма-юз мулоқотлари умумишимизга катта наф келтиради, албатта. Энди гап бу ерда билдирилган таклиф-мулоҳазаларнинг энг қуйи бўғинлардаги фаолларимизгача етказа олишимизда. Бунинг учун ўз нашримиз — «XXI asr» газетаси имкониятларидан самарали фойдаланишимиз, унинг ҳар бир сони бошланғич ташкилотларга етиб боришига эришишимиз шарт. Чунки партия ҳаётига доир барча янгиликлардан хабардор этишнинг энг қулай воситаси — газетадир.



**Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ,**
фалсафа фанлари доктори, халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати:

— Бугун партиялараро рақобат нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, балки Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ҳам ўз аксини топиши керак. Бу борада турли партиялардан сайланган депутатлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ривожланиши бўйича жорий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган иш режаларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда ўз электоратлари манфаатидан келиб чиқиб, фаол иштирок этишлари зарур. Бунда депутатлар бир масала юзасидан турлича сиёсий қарашлар ва ёндашувларни намоён этиб, режага киритилган ҳар бир масала юзасидан ўз партиясининг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар киритиши, ташаббус кўрсатиши, танланган йўлнинг тўғри ёки нотўғри эканини назарий ва амалий асослаши, муайян масалаларга ОАВ орқали жамоатчилик эътиборини қаратиши, мухолифатчи томонларнинг танлаган позициясига муносабат билдириши ва уларга холис баҳо бериши лозим. Мен депутатларимизнинг жойлардаги фаолияти айнан ана шу масалаларга қаратилиши лозим, деб ҳисоблайман.



**Фуркат ҲАТАМОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибияти мудири:

— Партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган асосий вазифалардан бири бу, шубҳасиз, партия электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни ҳал этиш учун бор имкониятларни ишга солишдир. Бу муҳим ишга оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳамда улар кучидан самарали фойдаланиш лозим. Бунда қонунларнинг жойларда сўзсиз ижро этилиши устидан назорат ўрнатишда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар аъзоларига берилган ҳуқуқлардан ҳам унумли фойдаланиш керак.



**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
«XXI asr» газетасининг Наманган вилоятидаги мухбири:

— Семинар-ўқув машғулотлари барчамиз учун жуда фойдали бўлди. Жойлардаги партия ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ишини янада жонлантириш нафақат O"zLiDeP фаоллари, балки биз, журналистларга ҳам боғлиқ эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик. Тадбирга партия вилоят кенгашлари раҳбарлари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда газетамиз вилоят мухбирлари таклиф этилгани туфайли энг асосий йўналишлар бўйича батафсил маълумот олишга эришдик. Ҳар уч соҳа вакиллари алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб, бевосита ўзларига боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашганлари, жойларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиққанлари тадбирнинг самарали ўтишига хизмат қилди.

**Мухтасар қилиб айтганда, мазкур тадбир O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги қуйи органлари томонидан давлатимиз раҳбари Концепциясининг маъно-мазмунини янада чуқурроқ ўрганиш, . шу асосда жойларда амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил этиш, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларга баҳо бериш имкониятини берди. Зеро, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик мақсадларни амалга оширишда маслакдошларнинг ана шундай ўзаро фикр алмашувлари ўз самарасини бериши шак-шубҳасиздир.**

**Тўрт кун давом этган семинарда O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.**

## Эрши шамшири

**3 май куни Марҳамат туманидаги Қорақўрғон қишлоғининг Қашқар маҳалласида яшовчи Холдорбой Холмирзаев оҳак ивитиш учун хандак қазиётганида узунлиги салкам 1 метрли қилич топиб олди. Уй эгасининг таъкидлашича, бир йил аввал ушбу жойни қазий бошлаганда девқомат одам суяклари чиққан.**

**— Дастлабки хулосаларга кўра, ушбу топилма Мингтепа (Эрши)нинг 2,5-3 минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи ашёлардан биридир, — дейди тарихчи олим Обиджон Маҳмудов. — Қадимий шамшир шу ерлик уста темирчилар (шамширсозлар) меҳнати маҳсули бўлса, ажаб эмас. Айни пайтда ноёб топилмани атрофлича ўрганиш ишлари давом этмоқда.**

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

### ИШЧАНЛИК РУҲИДА

**ХОРАЗМ.** Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Қўшкўпир туманида ташкил этилган давра суҳбатида Президент Концепцияси ва ундан келиб чиқадиган партиявий вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар Концепцияда илгари сурилган давлат бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ йўналишлар амалий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, давра суҳбатида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эркин меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ниятида юрган хотин-қизларга қулай имкониятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, чекка қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди.

### КИЧИК БИЗНЕСГА — КАТТА ЙЎЛ

**СУРХОНДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимиз таянчи" мавзуидаги ўқув-семинарда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг амалий ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Шунингдек, бугунги кунда ибратли ташаббусларни оммалаштириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида юрган фуқароларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга партия фаолларидан тегишли жавоблар олишди.

# Тадбиркор аёл икки карра тадбиркордир

**O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Марҳабо ЧЎЛИЕВА «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради**

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»



Айни пайтда Самарқанд вилоятида 18828 нафар O`zLiDeP аъзоси бўлиб, 6930 нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг қарийб 700 нафарга яқини тадбиркор ва фермерлар экани, бундан ташқари, «Ёш лидер қизлар» клуби аъзолари жойлардаги партия ташкилотларининг хотин-қизлар бўйича масалалардаги энг яқин кўмакчисига айланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Жорий йилнинг ўтган даврида ҳамкор ташкилотлар иштирокида 30 дан ортиқ сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказдик. Улар қаерда, қандай мавзудалигидан қатъий назар, жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ экани иштирокчиларни бефарқ қолдирмаяпти. Айниқса, Юртбошимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида белгиланган устувор йўналишларни ўқиб-ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, юзма-юз учрашувларда шаҳар ва қишлоқлардаги опа-сингилларимиз фаол иштирок этаяптилар. Энг муҳими, ана шундай учрашувларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес-режалар тузиш, кредит олиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича муайян натижаларга эришаяпмиз.

**— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятларидан қай даражада фойдаланилаяпти?**

— Янги иш ўринлари яратиш учун, аввало, катта ёки кичик бўлсин, бирор корхона очиш ёки мавжудларининг қувватини ошириш керак. Бу бевосита маблағ ва вақт талаб этадиган жараёндир. Шу боис асосий эътиборни чекка қишлоқларда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни йўлга қўйиш орқали аёллар бандлигини таъминлашга қаратаяпмиз. Масалан, жорий йилнинг дастлабки чорагида «Тадбиркорлик тамойиллари — ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларимизда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 350 нафарга яқин хотин-қиз фаол иштирок этиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғиш, бизнес-режа тузиш кўникмаларига эга бўлдилар. Лойиҳа иштирокчиларининг 13 нафари имтиёзли кредит сертификатларини қўлга киритдилар. Демоқчиманки, бундай тадбирлар хотин-қизлар фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнашидан ташқари, яқин йилларда улар томонидан янги-янги иш ўринлари яратилишини ҳам таъминлайди. Айни пайтда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 1402 нафар тадбиркор опа-сингилларимизнинг 603 нафари, фермерлик соҳасидаги аёлларнинг 63 нафари O`zLiDeP аъзоларидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса улар сафи янада ортиши шак-шубҳасиз. Биргина ўтган ойда «Аёллар қаноти» кўмаги билан 55 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

**— «Аёллар қаноти» фаолиятини янада жонлантиришда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Сиёсий етук, ижтимоий фаол хотин-қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Бироқ уй-рўзғор юмушлари билан овора бўлиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги маслаҳатчи аёллар, тадбиркорлар кўмагида уларни оилавий бизнесга янада кенгроқ жалб эта олсак, хонадонлар фаровонлиги ортиши баробарида ишбилармон авлоднинг шаклланишига ҳам муносиб ҳисса қўшган бўлардик. Оила бекалари учун эса икки карра тадбиркорга айланиб, жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконияти юзага келарди. Бу борада «Аёллар қаноти», «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан қўлни қўлга бериб ҳаракат қилиш яхши самара беради, деб ўйлайман.

# Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

**O`zLiDeP ташаббуси билан Денов туманида ташкил этилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодий барқарорлик кафолати" мавзуидаги ўқув-семинарда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам атрофлича таҳлил қилинди**

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»

Давлат божхона ва солиқ қўмиталари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда айни пайтда Сурхондарё вилоятида 27 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётгани, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нуриддин Муродов сўзга чиқиб, асосий эътиборни Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш масалаларига қаратди. Учрашувда, шунингдек, янги қонун лойиҳалари муҳокамасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари иштироки хусусида йиғилганларга атрофлича маълумотлар ҳам берилди.

Маълумки, жорий йилда вилоятда соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга 168 миллиард 700 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиш режалаштирилган. Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш ҳисобига 38885 та иш ўрни яратилади.

I чоракда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан 40,5 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 44 фоиз кўп кредит маблағи йўналтирилди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 5 млрд. сўм, ноозиқ-овқат соҳасига 5,5 млрд. сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш йўналишига 3,1 млрд. сўм ва ҳакозо. Ажратилган сармоялар ҳисобига вилоятда 3807 та янги иш ўрни яратилди.

Шундай бўлса-да, партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Денов туманидаги "Хумоюн-А" фермер хўжалиги раҳбари Адҳам Мўминовнинг таъкидлашича, фермерлар ҳисоб рақамидаги маблағлар сарф-харажатида айрим ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Дейлик, мулкдорнинг ёнилғи-мойлаш материалларидан қарзи йўқ. Шундай бўлса-да, сармоянинг бир қисми нефть корхонасига йўналтирилмоқда. Оқибатда у солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошира олмаяпти.

Узун туманидаги "Меҳрож-ШКХ" улгуржи-савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Қурбон Шукуров эса чекка қишлоқлардаги савдо нуқталари терминаллар билан етарлича таъминланмаганига эътибор қаратди.

Семинарда ана шундай муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, партия фаоллари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

**Бандлик**

## Бўш иш ўринларига марҳамат

**Бухоро вилоятида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 836 нафар турли соҳа эгаларига корхона ва ташкилотларда ишлаш учун йўлланмалар берилди. Ушбу тадбирда 305 та корхона 3065 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Унда Бухоро шаҳри, Қоровулбозор, Бухоро ва Ромитан туманлари фаол иштирок этдилар. Айниқса, Қоровулбозор туманида жойлашган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухоро нефть ва газ пармалаш» очиқ акциядорлик жамияти, Қоровулбозор махсус монтаж ва механизациялаш корхонаси томонидан аҳолига кўплаб иш ўринлари таклиф этилди. Иш билан таъминланганларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ташкил этди.**

*Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.*



## «Тошмаҳал»да 180 та турар-жой қад ростлайди

Қарши шаҳридаги Шайҳали қўрғонида «Тошмаҳал» деб номланган замонавий маҳалла қад ростлайдиган бўлди. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, янги даҳада лойиҳа бўйича 180 та бир ва икки қаватли якка тартибдаги турар-жойлар барпо этилади. Шу билан бирга маҳаллада спорт-соғломлаштириш мажмуаси, гузар, тўйхона, супермаркет, маиший хизмат уйи ҳамда маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш режалаштирилган.

## Маслаҳат маркази ташаббуси

Хатирчи тиббиёт коллежида «Тадбиркор аёл қандай бўлиши керак?» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбиркор аёллар маслаҳат маркази лойиҳаси асосида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Қалб меҳри» ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Германия молиявий муассасалари мутахассислари ҳам қатнашдилар. Семинарда бошловчи тадбиркорларга бизнес-режа тузиш, савдо прогнози, харажат ва даромадларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, бизнесни ривожлантириш омиллари, молиявий ҳисоботларни қандай юритиш тартиб-қоидалари ўргатилди.

# Фермерлик ҳаракати партия сиёсатининг муҳим йўналиши

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгашининг Янгиқўрғон туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган навбатдаги тадбирида туманда 548 та фермер хўжалиги фаолият юритаётгани, шундан 314 таси боғдорчилик, 188 таси ғаллачилик, 20 таси чорвачилик, 26 таси эса бошқа соҳаларга ихтисослашганига алоҳида эътибор қаратилди**

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда уларда 14995 нафар киши меҳнат қилмоқда. Маълумки, Янгиқўрғон иқлими боғдорчиликни ривожлантириш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулайдир. Амалий мулоқотда энди қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, банк, солиқ, божхона хизмати ходимлари, алоқадор ташкилот ва идораларнинг вакиллари иштирок этган тадбирда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, соҳани янада ривожлантириш учун тегишли қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг бу борадаги фаолияти юзасидан атрофлича ахборот берилди.

Амалий мулоқотда Марказий банк вилоят бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Акрам Солиев фермерлар учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва уларни олиш тартиб-қоидалари, солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Тўхтабоев эса соҳада яратилаётган имтиёзлар, вилоят божхона бошқармаси масъул ходими Ғолибжон Мамажонов мамлакатимизнинг экспорт ва импорт сиёсатига оид янгиликларга тўхталдилар.

Тадбир якунида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими раиси Зулайҳо Маҳкамова сўзга чиқиб, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини янада ошириш, аҳоли кенг қатлами, жумладан, қишлоқ хотин-қизларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритиб, партия фаоллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

Мулоқотда O`zLiDeP вилоят кенгаши фаоллари билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига амалий таклифлар киритиш ҳақида келишиб олдилар.



# Тараққиётга хизмат қилаётган банк

**Истиқлол йилларида Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос банк тизими шаклланганини нафақат маҳаллий, балки хорижлик нуфузли экспертлар ҳам алоҳида таъкидламоқдалар**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»



Бу эса аҳолининг банкларга бўлган ишончини тобора мустаҳкамламоқда. Молия бозорида салкам 89 йилдан буён фаолият юритаётган очиқ акциядорлик-тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»и ҳам ана шундай барқарор молия муассасаларидан биридир.

Албатта, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тури, энг аввало, барқарор молиявий ресурсларни талаб этади. «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ана шу ҳақиқатни яхши англаган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари банкнинг доимий ёрдамидан баҳраманд бўлмоқдалар. Уларга жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида барча молиявий манбалар ҳисобидан 122,9 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилгани ҳам бу фикрни исботлаб турибди. Бунинг самараси ўлароқ жойларда 2168 та янги иш ўрни яратилди. Фақат шугина эмас. Йил охиригача соҳага қўшимча 169,1 млрд. сўм кредит ажратиш кўзда тутилаяпти.

Бизнес оламига эндигина қадам қўяётган ёш тадбиркорларга зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб бориш учун банкнинг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилгани ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

Бугун банк жамоасининг бирдан-бир мақсади иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардан тортиб, хусусий сектор вакилларига намунали банк хизмати кўрсатиш ва шу орқали халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури ижросини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида банк томонидан жами 58 млрд. сўмлик лойиҳаларни молиялаштириш режалаштирилган. Йилнинг ўтган беш ойида 24,3 млрд. сўм миқдоридаги маблағ соҳани ривожлантиришга йўналтирилди. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кредитлаш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан биридир. Ўтган давр мобайнида тармоққа 26,1 млрд. сўм сармоя ажратилди. Йил давомида жами кредит миқдорини 60 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилган. Бу эса ўз-ўзидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириб гина қолмай, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан банк жамоаси тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа», «Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа», «Аёл тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа» ҳамда «Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа» мавзуларида танловлар эълон қилди. Эътиборли жиҳати, ғолиблар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг имтиёзли кредитини олишга эришадилар.

Умуман, банк жамоаси иқтисодий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, ўрта қатлам ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Тинимсиз изланиш ва молия бозоридаги кўп йиллик тажриба бу борада жуда қўл келаётир.

## Депутатлик гуруҳларида

# Элликқалъалик тадбиркорлар

**O`zLiDeP фаоли Эркин Султонов истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига Тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази туман бўлимининг янги биносини топширишни режалаштирмоқда**

**Ўз мухбиримиз**

— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий майдонга чиққан пайтдаёқ бу — менинг партиям эканини яхши англаганман, — дейди Эркин Султонов. — Мана, етти йилдирки, ўз фаолиятимни O`zLiDeP билан боғлаган ҳолда олиб бораяпман.

150 киши меҳнат қилаётган «Қирққизмахсусқурилиш» масъулияти чекланган жамияти чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжалик ва ғишт заводи фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Шу орқали ғишт етказиб бериш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз-ўзидан бархам топди. Ишбилармон қурувчи истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига Тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази туман бўлимининг янги биносини тўёна сифатида фойдаланишга топширмоқчи. Бундан ташқари, «Қирққиз» овулида аҳоли учун бунёд этилаётган намунавий турар-жойларнинг калитини ҳам шу йилнинг биринчи сентябрь куни эгаларига топшириш режалаштирилган.

O`zLiDeP Элликқалъа туман кенгаши раиси ўринбосари Азиз Мамбетовнинг таъкидлашича, электорат вакиллари туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўла мос келади.

Кези келганда, тумандаги 677 нафар O`zLiDeP аъзосининг 41 та бошланғич ташкилотга бирлашгани, уларнинг энг йириклари айнан кичик бизнес субъектларида фаолият кўрсатаётганини айтиш ўринлидир. Хусусан, «Баракат Элликқалъа» шўъба корхонасидаги 11 нафар ишчи-ходим, «Гулдурсин савдо» МЧЖнинг 15 нафар ходими бошланғич партия ташкилоти фаоллари саналади.

Дарвоқе, «Баракат Элликқалъа» шўъба корхонасида тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги билан аҳоли тилига тушди. O`zLiDeP аъзоси Шавкат Абдуллаев томонидан ташкил этилган корхонада кунига 1 тоннадан зиёд печенье ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 11 нафар йигит-қиз учун доимий иш ўрни яратилганини эса корхона раҳбариятининг ёшларга бўлган муносабатини билдиради. Шунингдек, жамоанинг 10 гектар майдонда янги боғ ташкил қилиб, 5,5 минг дона мевали дарахт кўчатини парваришлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ниҳоллар ҳосилга киргунча корхонада мевани қайта ишлаш цехи очиш режалаштирилган. Бу эса яна ўнлаб иш ўринлари яратилади, деганидир.

Бугун Элликқалъада паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга ихтисослашган кичик бизнес субъектларини ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозир тумандаги 15 та фермер хўжалигида жами 40 мингдан ортиқ парранда боқилмоқда. Маълумотларга кўра, туманда парранда бош сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24375 бошга, яъни 115,6 фоизга кўпайган. Биргина «Элликқалъа олтин толаси» акциядорлик жамиятининг ёрдамчи хўжалигида 8,5 минг парранда парваришланаётгани ҳам электорат аъзоларининг паррандачиликка эътибори юқори эканидан далолат беради.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг тумандаги ижроси доирасида балиқчиликка ихтисослашган 3 та фермер хўжалиги ташкил қилингани, улар ҳудудида қурилиши бошлаб юборилган сунъий ҳовузлар ҳажми 18 минг майда балиққа мўлжаллангани ҳам юқоридаги фикрларга мисол бўлиши мумкин.

«Гулдурсин асали», «Шерипбой болчи», «Халлиев Жамолиддин» сингари фермер хўжаликлари ҳам эндигина иш бошлаганига қарамай, асаларичиликни ривожлантиришга дадил киришиб кетдилар. Натижада асалари оилалари 618 тага кўпайиб, жами 2663 тага етказилди. Ҳозирда аҳолига йилига 20,3 тонна асал етиштириш имконияти пайдо бўлди.

Тумандаги «Гулистон» овул фуқаролар йиғини раиси, O`zLiDeP аъзоси Алия Ражабова ташаббуси билан ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳам асосан ёшлар меҳнат қилмоқдалар. Яқинда барпо этилган муҳташам тантаналар уйи эса тадбиркор аёлнинг ўз юртдошларига байрам совғаси бўлди.

— Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши барча элликқалъалик ишбилармонлар қатори фермер аёлларимизнинг ҳам кучига куч, шижоатига шижоат қўшди, - дейди туман ҳокими ўринбосари Умаржон Сабуров. – Жумладан, O`zLiDeP аъзолари бўлган Назира Маткаримова, Амбаржон Тангирберганова сингари ўнлаб фермер аёлларимиз барча соҳаларда ўрнак бўлмоқдалар. Бу эса кундан-кунга чирой очаётган тумандаги ўрта қатлам вакиллари орасида опа-сингилларимизнинг мустаҳкам ўрни борлигидан далолатдир.

# Ҳакамлик судлари — хусусий сектор кўмакчиси

**Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясида 107 та ҳакамлик суди аъзоси бўлиб, ўтган давр мобайнида ушбу нодавлат ташкилоти дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга эришди**

**Ўз мухбиримиз**



Термиз шаҳрида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш» мавзуидаги давра суҳбатида 2006 йилнинг 16 октябрида қабул қилинган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ташкил этилган ҳакамлик судлари фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.

— Айни пайтда кўплаб тадбиркор ва фермерлар турли масалаларда ҳакамлик судларига мурожаат эта бошладилар, — дейди Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси бошлиғи Чориёр Аллаёров. — Зеро, ҳакамлик суди низоларни ҳал этишда бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, бож тўлови нисбатан арзон. Низолар бир марта кўриб чиқилиб, асосий эътибор ижрога қаратилади. Даъвогар вақтдан ютади. Агар ўтган йили ҳакамлик судларига 28 нафар тадбиркор мурожаат этган бўлса, жорий йилнинг беш ойида 66 та даъво аризаси кўриб чиқилди.

Сариосиё туманида ҳакамлик суди фаолият бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан суд учун барча қулайликларга эга икки қаватли бино ажратилди. Ҳозир бу ерда тажрибали судьялар Сариосиё ва Узун туманларидан келиб тушаётган даъволарни мазмунан ҳал этиб, хўжалик юритувчи субьектлар ишончини қозонишмоқда.

— Ўтган йилнинг сўнгги чорагида иш бошладик, — дейди туман ҳакамлик суди раиси Рисолат Равшанқулова. — Хусусий сектор вакиллари билан ўзаро алоқаларимиз кенгаймоқда. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида 30 га яқин ариза қаноатлантирилди. Энг муҳими, муҳокама жараёнида кўпчилик даъвогар ва жавобгарларнинг ўзаро келишув битими тузилишига эришилди, бошқача айтганда икки томонлама ҳамкорлик ва шериклик алоқалари сақлаб қолинди.

Давра суҳбати давомида ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар баён қилиниб, кўплаб фойдали таклифлар ўртага ташланди.

## Самарқанд лифтлари денгизга чиқди

Ўтган йили Қозоғистон, Озарбойжон ва россиялик ҳамкорларига маҳсулот етказиб берган «Самарқанд лифт заводи» қўшма корхонаси яқин келажакда Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон бозорларига чиқишни кўзламоқда. Таъкидлаш жоиз: 2006 йилда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган «Самарқанд лифт заводи»нинг 75 фоиз акцияси инвестиция киритиш шарти билан хорижий инвесторларга сотилган эди. Шу кунгача нафақат ташқи қарзлардан қутилишга эришган, балки тўлиқ модернизация қилинган корхонада ҳатто танкер ва кемаларга ўрнатиладиган, халқаро талабга жавоб берадиган махсус лифтлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда, деб хабар беради stroyka.uz сайти.

## Бошланиши чакки эмас

Германиянинг Lemken компанияси Тошкентдаги «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти негизида қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Янги лойиҳага асосан йилига 300 дона айланма борона, 200 дона культиватор диски ҳамда 300 дона осма омоч тайёрлаш кўзда тутилган. Дастлаб техникаларни ишлаб чиқариш SKD-комплектларини етказиб бериш асосида амалга оширилади. Бунинг учун 2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш режалаштирилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса маҳаллийлаштириш йўналиши учун 1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилади.



Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



FNQIZ

# Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*фуқаролик жамиятининг асоси бўлган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборак этади.*

**Азалий ва умрбоқий қадриятларимизни юртдошларимиз қалбига чуқур сингдириш, уларни улуғ мақсад — келажаги буюк давлат қуриш сари руҳлантиришдек масъулиятли ва фахрли ишларида куч-ғайрат ҳамда ижодий баркамоллик тилайди.**



27 июнь

TURON BANK

*Очиқ акциядорлик-тижорат*

# «ТУРОН БАНК» ЖАМОАСИ

**замон билан ҳамнафас яшаб,
атрофимизда рўй бераётган
воқеаларга зийрак нигоҳ билан
муносабат билдираётган,
жамиятимиз тараққиётига муносиб
ҳисса қўшаётган қалам аҳлини
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан қизғин қутлаймиз.
Барча журналистларга мустаҳкам соғлиқ,
баркамол ижод, оилаларига
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!**



# «АСАКАБАНК» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ



***27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари
куни муносабати билан
барча журналистларни
самимий табриклайди.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
ижодий баркамоллик тилаймиз.
Юртимиз тараққиёти
йўлида олиб бораётган
серқирра фаолиятингизда
омад ҳамиша ёр бўлсин!***






XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 2097. Тираж: 15 908
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 00:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.РАҲИМОВ.